



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
15 август
ЧОРШАНБА
№ 64
(12.492)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

ЛОНДОН ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН XXX ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ҲАҚИДА ЮКСАК НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН СПОРТЧИЛАРИМИЗДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Лондон шаҳрида бўлиб ўтган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида эришган ютуқлари билан Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин ва иловага мувофиқ рағбатлантирилсин:

«Ўзбекистон ифтихори»

Собиров Ришод Рашидович – дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Тигиев Сослан Вазноевич – эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»

Атоев Аббос Абдуразақович – бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Юртимизнинг спорт соҳасидаги шон-шухратини юксалтириш ишига қўшган улкан ҳиссаси, Олимпиада ўйинларида юксак натижаларга эришгани учун мукофотлансин ва иловага мувофиқ рағбатлантирилсин:

«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

Таймазов Артур Борисович – эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2012 йил 14 август.

ЁШЛАР ИШЛИ БЎЛИШДИ

Бўша туманида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари кўпаймоқда. Илҳам ва тежамкор министратсия ва иловага мувофиқ рағбатлантирилсин:

«Лаззат Феруза файз» хусусий корхонаси шулардан бири. Яқинда бу ерда сунти қайта ишлаш линияси ишга туширилди. Бунинг учун корхонанинг ўз маблағидан ташқари банкнинг 20 миллион сўмлик кредитидан ҳам фойдаланилди. Энг муҳими, маҳаллий ёшларнинг 8 нафари доимий иш ўрнига эга бўлди.

Бўша туманидаги «Жағалбойли» маҳалласида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган уй-жойларга қўйиб ўтган хонадон соҳиблари қатор қулайликларга эга бўлишди.

ЯНГИ УЙ ЭГАЛАРИГА КУЛАЛИКЛАР

Хусусан, «Асл Аброр сервис» масъулияти чекланган жамияти савдо ва маиший хизмат шаҳобчасини ишга туширди. Ҳашар йўли билан ташкил этилган «Камолот» боғи эса худуд қиёфасига кўрк кўшди. Шунингдек, бюджет ва хомийлар маблағлари ҳисобидан 45 миллион сўм сарфланиб, янги хонадонларга оби-хаёт тармоқлари ҳам тортилди.

Шерзод МУРОДОВ.

ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯ

Ангрн шаҳрида замонавий ва тежамкор технология асосланган нон маҳсулотлари тайёрловчи яна бир корхона иш бошлади.

«Ангрн бизнес инвест» номили корхонада йиғирма хилга яқин нон ва нон маҳсулотлари тайёрланмоқда. Ҳозир 10 нафар маҳаллий ёшлар меҳнат қилаётган корхонада кунига 3-3,5 тонна маҳсулот тайёрланиб, худуддаги Нишбош, Кўчбулак, Чинор, Гурум каби тоғолди қишлоқларига етказиб берилмоқда.

ЗАМОНАВИЙ ШИФО МАСКАНИ

Чиноз туманидаги Гулзоробод қишлоғида аҳолига малакали ва тежамкор шифо хизмат кўрсатиш учун замонавий шарт-шароитлар яратилди.

Янги қишлоқ врачлик пунктнинг лойиҳа қиймати 358 миллион сўм бўлиб, қурилиш-ободонлаштириш ишларини «Бунёдкор Соҳиббек» хусусий фирмаси адо этди.

Шунингдек, муассаса мутасадди ташкилотлар ва хомийлар кўмаги билан замонавий ташхис ва даволаш анжомларига ҳам эга бўлди.

Аъло РАҲМАТОВ.

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



Мустақил Ўзбекистон ўзининг қутлуғ 21 ёшини нишонлашга ҳозирлик кўрмоқда. Истиқлол неъматлари халқимиз ҳаётига ўзгача мазмун-моҳият, файз бағишлаб, элимиз фаровонлик сари шаҳдам одимлапти. Ангрн шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқларда «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» мавзусидаги байрамолди шодиёналари алақачон бошланиб кетган.

ҲАР ЖИЛГАНИНГ ЎЗ ШЕЪРИ БОР

Кўнгилли учрашувлар, дара сўхбатлари, мушоира ва концерт дастурларининг фаол иштирокчиси «Довон жилгалари» ёш ижодкорлар клуби аъзолари бу гал Шоим Бўтаев, Аҳтамкул Карим, Ашурали Боймурод ва Илҳом Халил билан дилдан сўхбатлашиб, ижод намуналаридан баҳраманд бўлишди. Шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида Облик қишлоғи Гафур Фулом маҳалласида бўлиб ўтган тадбир «Мен учун очик эшиккан, Ватан!» дея номланди. Эътиборлиси, маҳалланинг ешу кексаси бу учрашувда бажонидил иштирок этишди. Бу бежиз эмас. Обликнинг шеъриятга шайдо аҳли маънавият элчилари, илм-фан даргалари, шоиру ёзувчилар билан тез-тез учрашиб туриши, дилдан сўхбатлашишни ёқтиришади.



Истиқлол берган имкониятлар туфайли ўз иқтидорини намойиш этиб, шеър кўйлаётган, илм-фан чўқилларини эгаллаётган фарзандлари камоли уларга шодлик, хузур-халоват бағишлайди. – Бу ёруғ оламнинг, ти-

риклик ва ҳаётнинг олий неъматини – фарзанд, – деди тадбирда сўзга чиққан меҳнат фахрийси, кекса устоз Шукржон ота Уринбоев. – Истиқлол берган рўшноликни мен, аввало, улар камолида кўраман. Ватан, Она

ва меҳр-оқибат ҳақида шеър ўқийётган жажжи ўғил-қизларимиз келгусида эл қорига ярайдиган инсон бўлишларига, Юртошимиз айтганларидек, бизданда ақлли, бизданда бахтли бўлишларига ишонаман. Муҳими, уларда келажакка ишонч, ҳавас, иштиёқ бор. Кўнгилли учрашув, дилдан сўхбат тадбир иштирокчиларига кўтаринкилик, байрамона кайфият улашди, мустақиллик неъматлари кўнгилларига нур, қалбларига шўр бағишлади. Тадбир якунида «Довон жилгалари» ижодкорлар клуби аъзоларининг шеърлари киритилган, истиқлолнинг 21 йиллигига бағишланган «Наврўз» нашриёти чоп этган «Мен учун очик эшиккан, Ватан!» китоби учрашув қатнашчиларига тақдим этилди.

Сайёра РИХСИЕВА,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

ИЛҒОР ФЕРМЕРЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Фермер ҳўжаликлари эндиликда қишлоқ ҳўжалигининг барча соҳаларини ривожлантириш, мамлакат иқтисодийтини мустаҳкамлашда етакчи кучга айланган. Фермер ҳўжаликлари уюшмаси, уларнинг вилоят ва туман филиаллари кон-

салтинг, брокерлик ва юридик хизматларни тобора такомиллаштириб, фермерларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳисоб-китоб тамойилларини такомиллаштириш ва фаолиятларини ривожлантиришга амалий ёрдам бераётир.

лаганига бир йил бўлапти. Қабул қилинган қарор асосида, жумладан, намунавий фермер ҳўжаликларини ташкил этиш мезонлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Фермер ҳўжаликлари уюшмаси вилоят филиали шу мезонлар асосида қизгин иш олиб борди. Шу соҳадаги сазй-ҳарақатлар натижалари вилоят ҳокимлигида ўтказилган йиғилишда кўриб чиқилди. Намунавий фермер ҳўжаликлари уюшмаси вилоят филиали раҳбари Тўлқин Тўраев. – Чунончи, улар билан 2 ой давомида якуний ҳисоб-китоб қилинади. Улар «Ташаббус» танловиди ҳам қўшимча имтиёз билан қатнашадилар. Бундай ҳўжаликлар имтиёзли кредитлар олишда устуликка эга бўлиб, бошқа рағбатлантириш омиллари билан ҳам фойдаланади.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг ўринбосари Соҳиб Абдуллаев иштирок этди.

Ҳўжалиги «гувоҳномаси билан тақдирланганимиз бизни янги-янги лойиҳаларни амалга оширишга руҳлантирмоқда, – деди Паркент туманидаги «Тўхтабуви Саховати» ҳўжалиги раҳбари Ш. Ҳожибеков. – Биз арзон ва сифатли қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириб, уларни қайта ишлашни янада кенгайтираемиз.

– Янги мақом фермерларимизга фаолиятларини кенгайтиришлари учун қўшимча имкониятлар очиди, – дейди фермер ҳўжаликлари уюшмаси вилоят филиали раҳбари Тўлқин Тўраев. – Чунончи, улар билан 2 ой давомида якуний ҳисоб-китоб қилинади. Улар «Ташаббус» танловиди ҳам қўшимча имтиёз билан қатнашадилар. Бундай ҳўжаликлар имтиёзли кредитлар олишда устуликка эга бўлиб, бошқа рағбатлантириш омиллари билан ҳам фойдаланади.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг ўринбосари Соҳиб Абдуллаев иштирок этди.

Жўрабек МУРОДОВ,
Даврон АҲМАД
олган сурат.

Республика Вазирлар Маҳкамаси фермер ҳўжа-

ликлари уюшмаси ва худудий филиаллар фаолиятини янада такомиллашти-

риш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, истиқболли чора-тадбирлар белги-



МАЪНАВИЯТ ШУКРОНА ТУЙҒУЛАР

Рамазон шарифининг сўнгги даҳаси, сўнгги кунлари... У маърифат ва мағфират оғи, сабр ва поклик сифати сийратларига муносиб равишда ўтиб бораётир. Истиқлол шарофати, давлатимиз раҳбарлари, биринчи галда Президентимиз эътибори ва гамҳўрлиги билан Рамазон оғи ибодатларини, алҳамдулиллоҳ, тинчлик, осойишталикда, мукамал ва тўла-тўқис бажаришга муваффақ бўлмоқдамиз. Вилоятимиздаги икки юздан ортиқ жомеларимизда таровеҳ намозлари ўқилмоқда, саксонтасида хатми Куръонлар қилинмоқда.

Юртдошларимиз Рамазон шарифининг ганимат кунларидан унумли фойдаланиб, хайри-саовоби ишларни амалга оширишга, бир-бирлари билан ҳамжихатлик, ҳамкорликда яшашга, меҳнат қилишга интилади. Кексалар, хасталар, ногиронлар эътибордан четда қолмади. Рузадорлик шартларига кўра, гина-қудратлар унутилди. Оралар ислоҳ қилинди.

Рамазон ўз ҳикмати неъматлари билан ҳар бир хонадонга файзу тароват ва кут-баракат, ҳар бир юртдошимиз калбага яши ниёту истақлар бахш этгани шубҳасиз. «Мўминнинг ниёти амалидан афзалдир» дея марҳамат қилинганидек, яши ниёт – яши амалга бошлайди. Мана шу эзгулигу яшилликлар зиёда бўлган ойдаги хайри амаллар Рамазондан кейин ҳам давом этиши, бу – кутилган ниятнинг амалга ошганидан далолатдир.

Рамазон маълум маънода риёзат оғи ҳамдир. Рузадор куннинг узун-қисқалиги, иссиқ-совуқлигига қарамай, – Биз арзон ва сифатли қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириб, уларни қайта ишлашни янада кенгайтираемиз.

– Янги мақом фермерларимизга фаолиятларини кенгайтиришлари учун қўшимча имкониятлар очиди, – дейди фермер ҳўжаликлари уюшмаси вилоят филиали раҳбари Тўлқин Тўраев. – Чунончи, улар билан 2 ой давомида якуний ҳисоб-китоб қилинади. Улар «Ташаббус» танловиди ҳам қўшимча имтиёз билан қатнашадилар. Бундай ҳўжаликлар имтиёзли кредитлар олишда устуликка эга бўлиб, бошқа рағбатлантириш омиллари билан ҳам фойдаланади.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг ўринбосари Соҳиб Абдуллаев иштирок этди.

ни қайтарган буюк Истиқлол шаънига шукрона сўзлар айтилиб, энг буюк неъмат бўлиш тинчлик, хотиржамликнинг бардовом бўлишини, мамлакатимиз раванглигини тилаб, бу йўлда сабр билан курашаётган халқимиз, Юртимиз раҳбарларига куч-қувват, омадлар тилаб дуои хайрлар қилинади. Худди шу аснода олисда – Ҳижоз сафарига юрган, Умра эъриятини адо этаётган юртдошларимиз ҳам муқаддас Каъбатилло олдида туриб, Яратгандан худди шундай неқбин, ёруғ ниётла дуога йўл очадилар.

Азизлар, кўпчилигимиз яши биламиз: бундай эмин-эркинлик, жомеларимизнинг намозонлар билан бунчалик бўлиб-тошиб, жума ибодатлари, хайит намозларининг адо этилиши, Рамазон ва Курбон хайитларининг умумхалқ байрамлари сифатида ўтиши, Ҳаж ва Умра эъриятларига кенг йўл очиб қўйилгани ҳамда улар учун давлат томонидан жуда катта имкониятлар яратиб қўйилгани... Булар барчаси ҳақида яқин ўтмишимизда – ота-боболаримиз замонасида фақат кўрқув ва хавотир ичида орзу қилиш мумкин эди, холос. Шўрки, бугун булар тушимизда эмас, орзу-халларининг ўзини ўзига наф келтиради. Вужуди ортиқча хиллардан қутилиб, сихати яхшиланади. Иродаси мустаҳкамланади. Руҳи қувватланади. Дилида яхшилик, эзгуликка рағбат уйғонади. Кенгроқ маънода олиб қаралганда эса, худди шундай эврилиш жамият ҳаётида ҳам юз беради. Яъни, одамлар бир-бирларига нисбатан меҳр-оқибатли, эътиборли, бир-бирининг қорига яраган, ўзаро муносабатларда самимият, ҳамжихатлик кўчаган. Хуллас, ана шундай шарофатли ой ўзининг сўнгги манзилига етиш арафасида турибди.

Рамазон хайити – бу, рухоният байрами. Байрам тонгида вилотимиздаги бири бирдан маҳобатли, аънавий ва замонавий меъморчилик ютуқларини ўзида мужассам этган жоме масжидларимизда хайит намози адо этилади. Дориламон замона, бизга эркимиз-

(Давоми 2-бетда).

ДЕПУТАТ ВА ҲАЁТ



МАЛАКА, ИҚТИДОР, САМАРА

Металлургия ва кимёгарлар шаҳри – Олмалик кейинги йилларда гўё қайта қурилгандек, очилиб, гўзаллашиб, қиёфасини тамомлаётган ўзгаришлар юрди десак, хато бўлмас. Бундан уч-тўрт йил илгари бу шаҳарни кезган бўлсангиз-у, бугун Тошкент-Олмалик магистрлиги бўйлаб бориб, уни асло таниёлмайсиз. Қўчалар, майдонлар, истироҳат боғлари мутлақо янгиланиб бораёпти. Амир Темур проспекти реконструкция қилинган, кенгайиб, яна ҳам салобатли кўриниш касб этган. Унинг икки бетидаги яқкам-дуккам, кўримсиз, пасткам дўкончалар бугун кўзларга хира бўлиб кўриниб турган. Уларга пардоз берилиб, бўшаган жойларга замонавий, кўркам бинолар – маданий-маърифий ва савдо марказлари, ресторани бошқа хизмат кўрсатиш кошонолари қуриляпти.



Бу ўзгаришларга бошқош бўлаётган, мушаккил туфайли кўлга киритилган имкониятларни ишга солиб, шаҳарни гуллаб-яшнашга, одамлар турмушини моддий ва маданий жиҳатдан яхшилаш йўлида тинмай изланаётган асл ташкилотчилар, гайрат-шижоатли раҳбарлар, ташаббускор етакчилар кўп. Улар раҳбарлигида "ОМКМ" ва "Аммофос-Максам" очик акциядорлик жамиятлари ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялашнинг истиқболли лойиҳалари амалга оширилиб, маҳсулот муттасил кўпайиб, сифати яхшиланиб, рақобатбардор бўлиб бораёпти. Бугун "Олмаликда ишлаб чиқарилган" муҳри маҳсулотлар етиб бормаган мамлакатлар қолмади ҳисоби. Мана шу ўзгаришларга бошқош бўлаётган замонавийларимиздан бири – Баҳодир Багирович Соҳибов.

ТАКДИМОТ: "1964 йили туғилган. О'ЗЛиДеР аъзоси. Тошкент политехника университети (1990) ва Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академиясининг Олий бизнес мактабини (2004) тугатган. Меҳнат фаолиятини Олмалик кимё заводи ремонт-механика цехининг слесари сифатида бошлаган. Мастер, "Аммофос" цехи бошлигининг ўринбосари, цех бошлиги, ишлаб чиқариш-техника бўлими бошлиги, бош муҳандис ўринбосари, бош муҳандис вазифаларида ишлаган. 2006 йилдан бунён – корхона раҳбари.

Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати (2010), Халқ депутатлари шаҳар кенгаши саноат, транспорт, коммунал хўжалиги, алоқа ва аҳолига хизматлар курсатиш масалалари бўйича доимий комиссия аъзоси раиси".

Мени вилоят Кенгаши депутатлигига сайлаган 9-Кимёгар сайлов округи ҳудудида 11 та маҳалла, 7 та умумтаълим мактаби, 13 та мактабга таълим муассасаси, 2 та касб-хунар коллежи, 1 та академик лицей, 4 та соғлиқни сақлаш муассасаси жойлашган, – дейди Баҳодир Багирович. – Хонадонларда 23 мингдан зиёд сайловчи яшайди. Сайловдан кейинги дастлабки кунларийёқ шу ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий вазият, аҳолининг муаммо ва

раши сифатида "Аммофос-Максам" корхонаси цехларида бугун ўнлаб ёшлар меҳнат қилаётганлигини кўрасиз. Коллеж ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётлари бевосита бўлгани иш жойларида ташкил этилиши эш ишчи-хизматчилар янги шартношларга кўникишларини тездаштиради. Саноат касб-хунар коллежининг 111 битирувчиси шу корхонада ишга жойлашди.

– Ишлаб чиқариш амалиётини ўташ жараёнида ёш мутахассисларга қўйилаётган талаб, яратилган имконият имтиёзлар билан танишиб олганлигимиз дастлабки кунларданқоқ меҳнат жамоасига сингишиб, ўз вазифаларимизни тўлақонли бажара бошлаганимизга имкон бераёпти, – дейишди ёш мутахассислардан Камола Эралиева билан Зарногор Тургунова.

Гап айлибди, яна сайловчиларнинг муножаатлари масаласига қайтиш. Депутат уларнинг ақсарияти ишга жойлашиб, давлолатишга ерданлашиб хусусида эканлигини таъкидлади. Қисқа фурсатда Б. Жабборов, Ф. Аромонов, Т. Бекматов сингари муножаатчиларнинг ишга жойлашиб масалалари ижобий ҳал қилинганда даволаниши учун 1 миллион сўмдан кўпроқ моддий ёрдам кўрсатилади. Умуман, депутат бир йилда 33 та муножаатни кўриб чиқди. Уларнинг 21 таси қаноатландирилди. 7 кишига моддий ёрдам ташкил этилди. 5 оиланинг уйи таъмирдан чиқариб берилди.

Лекин депутатнинг юмушлари фақат шулар билан чекланмайди. Халқ депутатлари Олмалик шаҳар кенгашининг Баҳодир Соҳибов раҳбарлик қилаётган доимий комиссияси фаолияти билан танишсангиз, ўзингиз учун депутат фаолиятининг яна бир қиррасини очасиз. Инкирозга қарши чоралар дастурийинг бажарилишини таҳлил қилиш, ахборот-маслаҳат маркази аҳолига курсатаётган хизматлар, йўлчи ташит транспорт

СУРАТААРА: (чапдан) ишлаб чиқариш техник бўлими бошлиги Йўлшо Шамисев, корхона раҳбари Баҳодир Соҳибов, бош кимёгар Наежла Бойназарова ва етакчи мутахассис Ойбек Эгамбердиев ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифатини текширишда. ПСК цех бошлиги Сирожидадин Дехононов (чапдан) аппаратчи Ринат Миникаев, смена устаси Дониёр Фазирахмонов билан иш устаси. **Даврон АХМАД олган суратлар.**

ТОШКЕНТ ВОҲАСИ: АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ

АБАДИЙЛИККА ДАХЛДОР

Бугун Тошкент вилояти ҳудудида 500 га яқин маданий мерос объектлари мавжуд. Ўтмишининг бу ноёб ёдгорлиги давлат ҳисобига олинган бўлиб, авайлаб қўриқланади. Оҳангарон туманининг Тункент кўҳна шаҳарчаси (Илоқнинг пойтахти), Қизиллолмасой-

даги Кўлбулоқ қароргоҳи, Оққўрғон туманидаги Қонқа улкан ёдгорлиги, Бўстонлик туманидаги форли Обираҳмат қароргоҳи каби археологик ёдгорликлар нафақат ўзбек археолог-олимлари, балки бир қатор чет давлатлар илм аҳлининг ҳам диққат марказида.

Оҳангарон туманининг бепоеён кенгликлари том маънода тарих билан "нафас олади". Тошкент вилоятининг бу бой тумани 500 га яқин ёдгорликларнинг тўртдан бирини ўз бағрида сақламоқда. Унгуликон, Қўҳисим, Қизиллолма, Шовғоз каби ноёб ҳамда Тункент замиридаги кўҳна конлар, ўнлаб дафн қўрғонлари, қадим тош асри қароргоҳлари, металл эритиш пунктлари, муқаддас мазорлар ўлкаимизнинг туганмас маданий тарихи китоби бўлиб, у бизга нафақат тасаввур этиш, балки ўрганиш, билиш ва ушбу буюқ тарих билан фахрланиш имконини ҳам беради.

Тумандаги кўлаб археологик ёдгорликлар қаторида Сўйритпега қўрғонлар мажмуаси катта қизиқтириш уйғотади. У Оҳангарон дарёсининг чап қирғоғида, Телов қишлоғидан бир неча километр масофада, Пайгамбар ота зиёратгоҳига бораверишда жойлашган. Сўйритпега ўрин олган Қорабулоқ аҳолисининг ҳикоя қилишича, узок қиш кунлари ортада қолиб, баҳор келган, ерда турли шаклдаги

чиройли идишларнинг синган бўлаклари ва одамларнинг оппоқ суякларини очилиб қолган.

Сулаймонтепа биринчи марта 1934 йилда олим М. Е. Массон томонидан аниқланган эди. 1960 йилда Чотқол-Қурама археология отряди разведка мақсадида қазиб ишларини ўтказди. Бу – таянч воситалари тўғриворчак шаклида, баландлиги 15 метр бўлган, қалъа деворли, шаҳар майдонига эга улкан кўҳна шаҳар. Ю. Ф. Буряковнинг маълум қилишича, қазилма пайтида чиққан нарсалар эрамининг VI-XII асрлари га тааллуқли. Аммо, бугунги илмий таҳминларда ундан аввалги асрлар ҳам тилга олинмоқда.

Албатта, фақат ёдгорликда археологик ишлар амалга оширилгандан сўнг аниқроқ ҳулосалар қилиш мумкин. Аммо, таъкидлаш жоизки, археологнинг фидоикорона меҳнати ҳақиқатан ҳам таҳсинга лойиқ.

Археолог-ўлкашунос К. А. Крохмаль кўп йиллардан бери ёдгорликлар ёнига бориб, ёш ўлкашунослар билан ишламоқда.

У ачиниш билан таъкидлайдики, кўҳна ёдгорликлар тез-тез жиддий вайронгарчиликларга дучор этилади. Бу ҳамма замонлар учун муаммолли масала бўлиб, уни ҳал этишда қар бир онгли ва маданиятли фуқароларнинг бевосита ва бевосита қатнашиши талаб қилинади.

...Бир гуруҳ ясан-тусан кишилар равон тўшама йўлдан боришяпти. Улар Қўёш ибодатхонасига йўл олишган. Офтоб ўз нуралини таратиб, ерни ёритиши билан ибодатхона гумбазлари остида мадҳия доси янгради. Одамлар муқаддас "Авесто" дан мадҳия куйлаб, қўёш ва янги кунни шарафлашди. Қўшиқ куйлаш жараёнида яна бир янги, осойишта кун учун, Она заминда меҳнат қилиб, ризқ-рўз яратиш имконияти учун Аллоҳга шукроналар янгради. Эрталабки ибодат расм-русумини ижро этган одамлар завқли меҳнат кўтаётган жойга отландилар.

Иш куни тугаб, янгиши келади. Ва ҳар бир янги кун миннатдорлик туйғулари билан бошланади. Миннатдор бўлмоқ – ҳамжиҳатлик,

уйғунликдир. Яъни табиат билан, Она ер, яъни-ёмон одамлар билан уйғунлик. Зеро, тинчлик-ҳотиржамлик ва равиқ тилаш миннатдорликдан тугилади.

Бугун Сўйритпеда сокинлик ҳукмрон. Энг юксак таянч қўрғоннинг маҳобатли қиёфасида, ҳали қўл темаган қадимий деворларнинг ташқи кўринишида, қабристонлар узра кўкка сочилиган юлдузлардек қўзғатилган турган ранг-баранга турларда ҳаёт дея аталмиш неъматнинг қучқудратини ҳис этиш мумкин. Бу ҳаёт – бардавон, у тўхтамайди. Фақат унинг нафас олишини эшити билши керак. Юракдан тинглаш лозим. Ва, албатта, бизларни абадий руҳий эстафетадек, ўзимизнинг ва Сайёрамиздаги ўзга ҳақларнинг, демаски, она-Заминимиз ҳаётини гўзалликка бежаб яшагача ундаб турувчи замон авлодлари буюқ алмушувини қалбдан туйиш лозим.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА, халқаро "Олтин мерос" хайрия жағмарасми вилоят бўлими бошқаруви раиси.

САЛОМАТ БЎЛИНГ

РУҲИЯТ ВА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

Оила мустаҳкамлигини таъминлаш учун, аввало, соғлом турмуш тарзини шакллантириш лозим. Негаки, соғлом турмуш тарзи табиий йўсинда асаб ва бошқа кўпгина касалликларнинг олдини олади. Шу боис руҳий соғломлик ниҳоятда муҳим. Руҳан тетик киши ўз осойишталигини таъминлай олади, ўз-ўзини бошқара билади, мураккаб вазиятларга тезда мослашади.



Асаб тизими касалликлари профилактикаси нуқтаи назаридан аввало, оналар, болалар ва ўсимлар орасида психогигиена тадбирларини одат қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Психогигиена – инсон яшаётган муҳит, оилавий ва иш шартношларини ҳисобга олган ҳолда турли асаб ва руҳий касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш ҳамда руҳий саломатлигини таъминловчи чора-тадбирлардир.

Руҳий саломатлиқни сақлаш учун она ҳомиладорлик пайтидаги болани ҳис қилиши, асабийлашмаслиги, тўғри овқатланиши, ноҳуш таассуротлар келтириб чиқарадиган ҳолатлардан ўзини сақлаши ҳамда барча гигиеника қоидаларга амал қилиши лозим.

Бундан ташқари, ота-оналар фарзандлари билан ўртоқлик муносабатларини тўғри шакллантиришга ҳаракат қилишлари керак. Унутмаслик керакки, ўсимлик ўтиш даври бўлиб, болалик тугаб, ҳали катта ёшга етмаганлиги билан белгиланади. Бу даврда ўсимнинг нафақат ташқи қиёфаси балки, ҳуқ-ақвориди, руҳиятида, дунё қарашида ҳам ўзгариш кузатилади.

Ўсимлик даврида фарзандларнинг ўқув жараёни билан боғлиқ ўқувларнинг руҳий саломатлиқига таъсир этишини ҳисобга олиб, уларни руҳий қўлаб-қувватлаш талаб этилади.

Бу даврда ёшлар орасида жинсий ҳаёт гигиенаси бўйича ҳам тушунчалар берилиши лозим.

Чунки, бу ёшда қарама-қарши жинс вакилларига қизиқиш уйғониб, натижада нотўғри кадам босиб қўйишлари мумкин.

Айрим одамларда муомала маданиятининг етишмаслиги натижасида қатор руҳий бузилишлар, асабийлашиш, сикилиш ҳолатлари юзага чиқади. Бунинг олдини олиш учун ҳар бир вазиятга яхши тарафдан қараб яшаш тавсия этилади.

Пайдо бўлган ҳар бир муаммо учун бошқа одамлардан айб қидирмай, ўзингиз қандай хато қилганингиз ҳақида ўйлансангиз, ечимини топиш осонроқ бўлади.

Фарида КОМИЛОВА, Республика саломатлиқ ва тиббий статистика институти вилоят филиали бўлим мудири.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ бошлангич баҳоси охиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этилди!

1. Аукцион савдоларида Юқори Чирчиқ туман СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган ҳолда тақдор қўйилмоқда:

1. Тошкент вилоят ҳўжалик судининг 2011 йил 16 майдаги 11-1132/6572-сонли ижро варақасига асосан, "Яссавий Агрорсервис" МЧЖга тегишли Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Суранкент ҚФЙ манзиллида жойлашган, умумий ер майдони 6793,75 кв.м, қурилиш майдони 1942,73 кв.м бўлган гараж биноси. Бошлангич баҳоси – 245 114 100 сўм.

2. Тошкент вилоят ҳўжалик судининг 2011 йил 16 майдаги 11-1132/6571-сонли ижро варақасига асосан, "Арганич универсал сервис" МЧЖга тегишли Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Арганич ҚФЙ манзиллида жойлашган, умумий ер майдони 224,29 кв.м бўлган омборхона биноси. Бошлангич баҳоси – 30 528 900 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йил 31 август куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган қўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилири бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига қилиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2012 йил 29 август куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувга асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, тулов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "КМХС" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" ОАИТБ Сағбон Ф-даги қўйидаги ҳисоб рақамига тулашлари шарт: 20208000904920609114, МФО 01036, ИНН 207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. Расмий сайтими: www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

Чиноз туманидаги 42-ўрта мактаб томонидан 2006 йил 28 сентябрда 1374-П реестр рақами билан рўйхатга олинган "О'ЗТВТЕХНИКА" МЧЖ (ИНН 201678391) уст-тав фонди 447 802 000 сўмдан 409 658 000 сўмга камайганлигини маълум қилади. Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой давомида Қибрай тумани, Геофизика шаҳарчаси, Дўстлик кўчаси, 29-А уй манзилида қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ИҚТИСОДИЙ ВА БИЗНЕС КОЛЛЕЖИ ИЧИДА ЖОЙЛАШГАН БУФЕТ ИЖАРАГА БЕРИЛАДИ. Танловда қатнашувчилар юридик шахс бўлиши лозим.

Мурожаат учун телефон: 237-26-03.

Чиноз туманидаги 42-ўрта мактаб томонидан 1987-1988 ўқув йилида Васильева Марина Вячеславна номига берилган 759900 рақамли тулкисиз ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утераний аттестат о среднем образовании АУ № 202576, выданный в 1993 году средней школой № 114 Чиланзарского района г. Ташкента на имя Гулямова Иброҳима Шоаюповича.

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утераний аттестат № 0113818, выданный 21.06.2003 году школой № 107 Утелинского района г. Ташкента на имя Хамитова Александра Ядроговича.

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утераний диплом № 008772 (126), выданный в 1994 году Ташкентским автородорным институтом на имя Шайхинурова Тахира Рафиловича.

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ООО "UGAM QURILISH" (ИНН 301481256, ОКТО 23174369), (реестр № 05445-10 от 04.02.2010 г.) зарегистрированное ИПСЦ Юнус-абдусоди района г. Ташкента в соответствии с решением единственного учредителя от 14 августа 2012 года, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.** Претензии принимаются в течении двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, Юнус-абдусодский район, Ц.А. д. 4, кв. 13 или по тел.: 180-30-60.

Олмазор тумани ТСОҲИ томонидан 17.01.2011 йилда 05-4025/2 реестр рақами билан рўйхатга олинган 005026 рақамли гувоҳнома (ИНН 201992540, ОКОНХ 71264) йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод тумани ТСОҲИ томонидан 28.12.2002 йилда 000775 гувоҳнома рақами билан рўйхатдан утган (ИНН 203013066) "METALL-TRANS" ҳўсурий корхонасига тегишли бўлган бир донна думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЧП "AVAZ AZIZOV" (ИНН 300810527), зарегистрированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирзо-Улугбекского района г. Ташкента (реестр № 003715-04 от 18.04.2008 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент, проезд Ф. Ходжаева, д. 32-А, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.** Претензии принимаются в течении двух месяцев со дня опубликования объявления.

«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этилди!

Бошлангич нархи босқичма-босқич очик бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

1. Миробод туман СИБ томонидан "Numizmatika" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 2012 йил 9 июль кунги 24508/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда и/ч., дав. бел. 01 J 011 GA бўлган "Эника" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи – 56 000 000 сўм. 2. 2012 йил 9 июль кунги 24508/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1974 йилда и/ч., дав. бел. 30 X 7883 бўлган "Ваз-2101" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи – 2 177 646 сўм. 3. 2012 йил 9 июль кунги 24501/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда и/ч., дав. бел. 01 V 858 CA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси.

Бошлангич нархи – 20 000 000 сўм.

II. Ҳамза туман СИБ томонидан 2012 йил 29 февраль кунги ижро варақасига асосан хатланган, "Numizmatika" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган 2000 йилда и/ч., дав. бел. 01 X 085 HA бўлган "Ниссан Максима" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошлангич нархи – 27 452 397 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йил 14 сентябрь куни соат 11:00 да, Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уйда ўтказилади. Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспортлар аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспортларни сотиш юзасидан тақририй аукцион 2012 йил 2 октябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Ушбу аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибиди савдо ташкилотчиси – "Агро саноат мулк маркази" МЧЖнинг ОАТБ "Капиталбанк" Мирзо Улугбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тулашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилири бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига қилиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхталади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Тел.: 250-83-29.

Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташити фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2012 йил 13 августдаги 38-Баённомасининг қарори билан қуйидаги: Зангиота туманидаги "BOBUR TRANS SERVIS" МЧЖга тегишли:

"Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида енгил автомобилларда ташити" фаолиятини амалга ошириш учун 2011 йил 7 июнь куни берилган "АТ" серияли 000406 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2012 йил 13 августдан бошлаб 10 (ун) иш кунига тўхтатилиши тўғрисида маълумот беради.

ВИЛОЯТ ЧЕМПИОНАТИ

ОФИР МАШҚ ГАЛАБАНИ ЕНГИЛЛАШТИРАДИ

Бўстонлик туманидаги 18-ўрта мактабнинг спорт мажмуасида ўтган дам олиш кунлари хотин-қизлар ўртасида волейбол бўйича биринчи вилоят чемпионати мусобақалари ташкил этилди.

кўмитаси, маданият ва спорт ишлари бошқармаси уюштирган турнирда зонал мусобақаларда гойибликни қўлга киритган саккизта жамоа иштирок этди.

бақаларни ўтказиш учун жой танлашга ҳам у қадар эҳтиёж қолмади. Мустақиллик йилларида мамлакат шаҳар ва туманларида ажойиб спорт мажмуалари курилиб, энг зарур замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди.

раяпти. Бу эса ўз навбатида қишлоқларда соғлом турмуш тарзи қарор топишига замин яратмоқда.

Биринчи марта ўтказилаётган қарамай, аёллар ўртасидаги волейбол бўйича вилоят чемпионати қизгин курашларга бой бўлиб, кўпсонли томошабинларга олам-олам қувонч бахш этди.

Мурсосиз курашлар пировадиди Чирчиқ шаҳар жамоаси аёллари вилоят чемпионлигини қўлга киритдилар. Улар мусобақа якунида фахрли иккинчи ўринни эгаллаган Чиноз тумани жамоасини финал беллашувида мағлуб этдилар.

Вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиёва чемпионат голиблари ва иштирокчиларини ушбу қизқарлик спорт байрамида эришган муваффақиятлари билан самимий табриқлаб, навбатдаги мусобақаларда янада фаол қатнашиб, бунданда юксак натижаларга эришишларига тилак билдирди.

Олис ва чекка жойларда ҳам энг зарур спорт майдонлари ва хатто, мўъжаз спорт заллари пайдо бўлаётгани боис маҳаллаларда ҳам оммавий спорт турлари жадал ривожланиб бо...



Вилоятда болалар, хотин-қизлар ва оилавий спортни ривожлантиришга қаратилган изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва бу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераёпти. У ёки бу спорт тури билан мунтазам шуғул...



ҲОЗИРЧА УКАСИ УШЛАНДИ

Испания полицияси Мексиканинг "Синалоа" наркокартели тўрт нафар фаол иштирокчисини ҳибсга олди.

Reutersнинг хабар беришича, қўлга олинганлар орасида ўша картелнинг етакчиси, ҳозир Мексика томонида зўр бериб қидирилаётган Хоакин "Эл Чапо" Гусманнинг ўғай укаси Хесус Гутierrez Гусман ҳам бор экан.

"Синалоа" жаҳондаги энг кучли ва кенг тармоқ ёйган жиноятчи ташкилот ҳисобланади. Испания ҳуқуқни муҳофаза қилувчиларининг фикрига қараганда, Хесус Гусман бу ерга мулозимлари билан келган бўлиб, мақсади гиёҳвандлик моддаларини Европада бўйлаб тарқатиш баъзасини ташкил этиш эди.

БАҲСЛИ ОРОЛНИ ДЕБ МУНОСАБАТ БУЗИЛДИ

Жанубий Корея президенти Ли Мен Бак баҳли Лианкур архипелагини ташириб буюргани боис Япония ушбу мамлакатдаги элчисини чакириб олганлиги ҳақида хабар тарқатди AFP агентлиги.

Лианкурни Кореяда Токто, Японияда эса Такэсима деб аташади. Ли Мен Бакнинг Лианкурга сафарини ёритган Япония оммавий ахборот воситаларида таъкидландики, Япония Ташириш вазирлиги бу таширишга кескин муносабат билдириб, Жанубий Кореянинг Япониядаги элчисини элдик билан "гиламга чакирди".

Таширишга тайёргарлик чоғидаёқ япон дипломатлари Ли Мен Бакнинг бу сафари Япония ва Жанубий Корея муносабатларида таъсир кўрсатишини таъкидлаб, оғохлангирини айтишди.

Ли Мен Бакнинг келиши 1905 йилда Корея босиб олингандан сўнг Япония таркибига киритилган баҳсли оролга Жанубий Корея давлати бошқалигининг биринчи ташириши бўлди. Сеул Иккинчи жаҳон урушидан сўнг худудини қайтариб олишга муваффақ бўлди. 1954 йилдан буён Лианкур ороллари худудидида Жанубий Кореянинг қирғоқ муҳофазасининг у қадар катта бўлмаган кучлари жойлашган.



НИГОҲ

«УЙ КИМНИКИ – СОТГАННИКИ»МИ?

Тожик ҳукмдорлар Ўзбекистон фуқароларини шахсий уйларида қайта чиқармоқдалар

Куннинг ярмида Бекобод шаҳар Жомий маҳалласида яшовчи Ўзбекистон фуқароси Р. Ҳамидовнинг уйига Тожикистоннинг Спитамен тумани Қўштегирмон аҳоли пункти участка ноизири катта лейтенант Н. Мирзамуродов бошчилигида Тожикистон фуқаролари бўлган бир неча аёл кириб келди.

Худудни олган эди. Бугун тожик ҳукмдорлар уша мавжуд келишув ҳужжатларига беписанд муносабатда бўлмоқдалар.

Шундай қилиб, участка ноизири билан келиб, уларни Гуландоз ва Сабоҳат деб таништирган аёллар Ўзбекистон фуқаросидан уйни бўшатиб қўйишни (?) талаб қилдилар. Тожик аёлларининг фикрича, Тожикистон ҳукумати бу уйни уларга сотган эмиш. Бундан ажабланган Р. Ҳамидовга тожик милиция участка ноизири Тожикистон Республикаси Спитамен тумани ҳукумати раисининг қарорига мувофиқ ушбу уй ва участка ҳақиқатан ҳам шу аёлларга сотилганини таъкидлади ва тожик ҳукмдорлар тайёрлаб берган сертификат ва бошқа ҳужжатларни кўрсатди.

Худди шундай, бироқ бундан ажабтовор воқеа бундан аввалроқ ҳам юз берганди. Жомий маҳалла-

сида яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси О. Аҳмедовнинг уй ва мулкларини унинг розилигисиз тожик ҳукмдорлар савдога қўйиб, сотиб юборишган эди. Уша кун О. Аҳмедов тушлик танавфусдан фойдаланиб, уйига келди ва "Комби" русули машинасини дарвозаси ёнида қолдирди. Орадан 15-20 дақиқа ўтиб, қўчадаги бакир-чакирни эшитиб, югуриб чиқди ва одамлар ёнаётган "Комби"ни ўчиришга уринишга қўйиб, қотиб қолди.

Қўни-қўшинларга раҳмат, машинани амаллаб ўчириб олишди. Бироқ, ажабланишнинг шундаки, гувоҳларнинг айтишича, машина ёнидан бир неча дақиқа аввал унинг ёнида Қўштегирмон аҳоли пунктининг участка ноизири Н. Мирзамуродов ўралашиб юрган экан.

Алишер ШОИДИНОВ. Центр Азия.

ОСВЕНЦИМДАН ЭСДАЛИК ҚИММАТГА ТУШДИ

Италиялик 66 ёшли фуқаро Краков аэропортида ушланди. У нацистларнинг собиқ "Аушвиц-Биркенау" концлагеридан 30 сантиметрли бир бўлак тиканли сим олган экан.

AFP агентлиги шаҳар полицияси матбуот котиби Мариуш Чаркунинг айтганларига таяниб шу хабарни тарқатди. Италиялик қария полицияда тушунтириш бериб айтдики, машум Освенцимдан эсдалик совғага эла бўлиши истеган экан. Чунки, унинг отаси шу турмада вафот этган эди. Полициячилар агар у бир бўлак тиканли симни олаётганда, ҳеч нарсага шикаст етказмаган бўлса, уни қўйиб юборишга ваъда қилишди.

Аммо, у қилмиши учун жазоландики ёки йўқми, аниқлик киритилмаган. Уша йилнинг ёзида кекса чол-кампир собиқ концлагердан қошқ ва бошқа нарсаларни ўғирлаганлари учун шартли икки йилга ҳукм қилинган эдилар.

2011 йилда, деб таъкидлайди AFP, Краковда бир француз ҳам бир бўлак тиканли симни олмоқчи бўлганда ушланган эди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

СИРЛИ ҲИЛҚАТ

БОЛАЛИГИМ, СЕНИ СОҒИНДИМ!

Тақдир ҳар биримизга инъом этган сирли бир ҳилқат бор. Унинг исми Болалик! Беғубор орзулар деб очилди. Умрининг энг нафис охи. У кунлар шодликка лиммо-лим тўлган, ташвишсиз дамлар эди...

Болаликнинг полапондек чўчқ тили билан чуғурлашига маҳалла бўлмаган одам борми? Уларнинг қувончдан порлаган, ҳар бир нарсага ҳайрат билан боққан кўзлардаги беғуборликдан ким роҳатланмаган дейсиз? Дўмбоққина кичкинтойларни яхши қўриб бағримизга босар эканми, бир зум ўша беғубор дамларга қайттимиз келамди. Уша сирли ҳилқат саналган оламда қолганимиз келамди. Лекин, бу – ҳаёт, ибтидоиси бор нарсанинг интихоси ҳам бор. Болалик ҳам бир қўниб учиб кетган қўш мисоли бизларни ўсмирлик, балоғат бекатлари томонга ундайди. Инсон ёши ўтсада, барибир энг беғубор дамлар – болалигини соғинаверади. Мен сени соғиндим, болалигим! Дилфуза МИРОБИДОВА.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАП

Мингбой Бобоёров 55 ёшни қаршилаган. Бу ёшда уй-жой кам-кўстии фарзандлар ташвишидан тинган, кенг ҳовлининг бежирим сўрасида набиралар қуршо-вида, меҳр-эътибор огушида бўлганларга ҳавасинг келади.

Бироқ, гап ёшда эмас экан... Шу ёшда инсоннинг жиний жавобгарликка тортилишини бир тасаввур қилиб кўринг. Устига-устак бундан олдин ҳам бир неча марта озолиқдан маҳрум қилинган бўлса-чи? Етмаганига қилмишларидан заррача уялмай, ўзини айбисиз деб ҳисоблаб, суддан оқлов ҳукмини чиқаришни сўрасида нима дейсиз?

Қандай вийдон эканки, инсон кадр-қиймати топталса, меҳнат оёқости қилинса-да, у қўйналмаса. Соғлиги ёмонлашгани сабаб ишлашга ярамаган одамни ҳақоратлаб, дўппослаганидан эзилмаса.

Мингбой Бобоёровни ана шундайлар қаторига қўйиш мумкин. Энг ёмони у нафақат ўзи, балки бутун оиласи, фарзандлари, хатто, аёлини ҳам ҳаром йўл билан, яъни бировларни қас-шатиш эвазига пул топишга ўргатди.

Шундай қилиб Мингбой, Мухаррам, Бахтиёр ва Бекзод Бобоёровлар одам савдоси билан шуғулланишни ўзларига касб қилишди. Улар ишни шундай ташкил қилишдики, максадлари хамирдан қил суғургандек, енгилгина амалга ошди. Она-бола Бобоёровлар одам топиб, Россияга жўнатар, ота-бола эса уларни ишга жойлаштиришди. Шу йўл билан гўе улар одамларга ёрдам беришган.

Лекин масаланинг бошқа томони бор. Нега Мухаррам ва Бахтиёр ишлаш истаги бор йигитларни йўл ҳаражатларини ўзлари тўла юборишарди? Ҳамма гап шунда-да. Мушук бекорга офтобга чиқмайди деганларидек, улар бирор фойдани кўзлаганларки, бундай хожатбарорликка қўл уришган. Бу моддий манфаатдорлик жабранлуви Узарбой Асатиллаевнинг "Мухаррам бизни вокзалга

ичишининг тайини бўлмаганда кейин ишлашга мадор етмайди. Бугун-эрта маош беришлари керак эди. Эрта-лаб Мингбой пуллари ўғирлаб кетишганини, Етмаганига ўғирланган пуллари учун ҳар биримиз 15 миң рублдан беришимиз шартлигини айтди. Яна ишлашда давом этдик. Иш якунига етайи деганда, у бизни бошқа ишга жойлади. Шу-шу пулсиз сарсон бўлдиқ дея ҳижоа қила-

ТАП ЁШДА ЭМАС...

олиб борди, ҳеч бир чипта олмади, поездга чиқдик. Уч кун ўтиб, Москвадан "Козон" вокзалига етдик. Бахтиёр ва Бекзод билан уларнинг отаси Мингбойнинг олди-га бордик. Шунда мен ота-бола Бахтиёр ва Мингбойнинг ўзаро сўхбатини эшитиб қолдим. Бахтиёр отасига бизга 200 миң сум сарф қилиб олиб келганини, биринчи ойлигимиздан 500 АҚШ долларини ушлаб қолиши кераклигини айтди", дея берган кўрсатмасида ўз аксини топди.

Хўш, Узарбой шу 500 АҚШ долларини бериб, қолганига қандай ишлади, ишга яраша ҳақ олдимикан? Қаёқда...

"Тўрт киши бўлиб қурлишда иш бошладик. Мингбой кунига 800 рублдан ҳақ эзишини айтди. Уй қуриш осон эмас, оғир меҳнатга куч-ғайрат керак. Ейиш-

буни қарангки, ишлаб пул топаман деган мақсадда ўзга юртга отланган Узарбой алданганини кеч тушунди. Ахир унга 1000 АҚШ доллар миқдоридида маош ваъда қилинган эди. Мингбойнинг шарофати билан унга 100 АҚШ долларинигина жўната олди. Бахтиёр Тожикул Ахтамовга ҳам Россияда ишлашни таклиф қилди. Ойига 500 АҚШ доллар беришини айтди. Она-бола Тожикулни Қозонистон Республикаси чегарасидан олиб ўтишди. Бир автобусга 70 кишини сиғдиришди, уларни вокзалга олиб боришди ва ўша ердан поездга ўтказиб юборишди. Мингбой азоб билан улар Москвага етиб боришди. Ҳақиқий қийинчилик шу ерда бошлади.

Уларни қутиб олган Бекзод Бобоёров йигитларни

брусчатка ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи арман миллатига мансуб шахсга топширди. Номалум сабабга кўра, арман йигит уларга ҳақ бермаслигини айтди. Шундан кейин Бахтиёр уларга бетон қуйишни топширди.

Хуллас, Россиянинг турли шаҳарларида тўрт ой давомида меҳнат қилган Тожикул 200 АҚШ долларини уйига юборди. Бироқ, ўзининг соғлиги ёмонлашди. Етмаганига ҳақини талаб қилгани учун калтакланди.

Ҳайиткул онаси саратон касалига чалинганидан сўнг кўп пул топиб, хаста оназорини доволатмоқчи эди. Шу ниятда у Бахтиёр ва Мухаррамнинг 500 АҚШ доллар бераман деган гапларига ишониб, ишлашга рози бўлди. Лекин қалбиди меҳр қучуни йўқлардан меҳр қучиб бўларди. Улар Ҳайиткулни беаёв ишлатишди, сўнг арман миллатига мансуб одамга сотиб юборишди. У арманлар қўлида бир сўм пулсиз 4 ой ишлади. Хуллас, сарсон-саргардонликда ўтган кунлари яна 6 ой давом этди...

Мухаррам судда "уларнинг ўзлари ўғилларимга эргашганлар, мен уларга ҳеч қандай 500 АҚШ доллар, яхши иш, уй-жой ваъда қилмаганман, аксинча, турмуш ўртоғим ва фарзандларим билан қўлдан келганча, уларга ёрдам қилдик" деб кўрсатма беришдан уялмади.

Одил суд ҳукм чиқарди. Мингбой Бобоёровга 6 йил 6 ой муддатга озолиқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Жазо умумий тартиб-ли колонияларда ўталадиган бўлди.

Ирода НОРБОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

ИБРАТ

VAFODORLIK


Bir kuni pashsha odamlar ketidan ergashib yurgan ko'ppakning ustidan kulmoqchi bo'lib, uning qulog'i atrofida gir aylanib, aql o'rgatmoqchi bo'ldi:

— Sen shu qadar esi past ahmoqsanki, odamlar ketidan ergashib, ularning ayrgan yo'l-yo'rig'iga yurasan, podasini, uyini qo'riqlaysan, ketidan qolmayсан, muncha vafodor bo'lmasang insonlarga. Shunday mashaqqatli mehnatdan ortib, maishatu zhyofatlarda bo'lolmayсан.

Mana men sen ko'rmagan zhyofatlarda, maishatlarda bemalol yurib, shirin ovqatlardan tatiyman, turli-tuman sharbattar ichaman, rohat-farog'atda yashayman.

Ko'ppak unga javoban shunday dedi: — Ahmoq men emas, sensan. Aql farosatlinga idrok etib, tushunolmayсан, hamma joylarda seni ko'rgan odamlar jirkamib, ijing'ani seni yo'qotish uchun har xil dori-darmonlar ishlatishadi, qo'llariga nima tushsa, o'sha bilan urib haydashadi. Bilib turib, bu hol bir kuni mening boshimga ham tushishi mumkin deb, aql-farosatla fikr yuritmayсан.

Men qir-adirlarda odamlarning otlarini, xonadonini qo'riqlayman, senga o'sshab zhyofat va maishatga berilmaganman. Odamlar mening xizmatimni qadrlashadi, shunga yarascha boqishadi, uy-joy qilib berishadi, ularning mehr-muhabbatiga sazovorman. Shuning uchun ular orasida, quvnoq, shod yashayman. Ularga vafodorligimning sababi ham shunda.



— Ширкатимизда қишга тайёргарлик қандай кетаяпти? — Хавотир олманг ҳўжайин, бу ишларни «қоғоз»да бўлса ҳам, албатта, тугаллаймиз.

TOHKENT HAQIQATI TASHKENTSKAYA PRAVDA Myussis: Toshkent viloyati hokimligi

Bo'sh muharrir Ubaydulla ABDUSHOXIDOV Manzili: 100000, Toshkent shahri, Matbuotchilar k'chasi, 32. e-mail: th.tp@mail.ru

Manzil: 100000, Toshkent shahri, Matbuotchilar k'chasi, 32. Telefonlar: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (faks), 233-12-83, 233-48-08, 236-55-54, 233-54-10.

Toshkent viloyati Matbuot va axborot bo'shqarmasida 2011 yil 12 yanvarda 03-001 raqami bilan ruyxatga olingan. Gazeta «Toshkent haqiqati» taхririya'ti kom'pyuter markazida teriladi va saхifalantadi. Navbatchi muharrir Say'ra RIXSIEVA Navbatchi Yulduzxon MUХИДДИНОВА Saхifalovchi Toхir MAХМУДУЖАЕV